СТАНСИОН КЎЧАТЗОРДА ЎРГАНИЛГАН ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ЯНГИ ТИЗМАЛАРИ

[1]О.Ш.Бойназаров, [2]Б.А.Турдиев, [3]А.Б.Данабаев, [4]Х.Ж.Бобаяров

[1]Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти қ.х.ф.ф.д

[2]Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ассистент

[3,4]Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари

https://doi.org/10.5281/zenodo.8014079

Аннотация. *Пахта ҳосилини оширишда маълум минтақаларда етиштиришга мослашган, эртапишар, ҳосилдор ва тола сифати жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган навларни ишлаб чиқарш муҳим ҳисобланади. Ушбу мақолада G.barbadense L. va G. hirsutum L. турлар аро чатиштириб олинган жанубий минтақа иқлимига мос дурагай ва тизмалари ичидан касаллик ва зараркунандаларга чидамли наъмуналарни танлаб олиш, якка ва оилавий танлов ўтказиш натижасида бошланғич маътериаллар ажратиб олинган ва селлилсия жараёни учун тавсия этилган.*

Калит сўзлар: *Жанубий минтақа, G.barbadense L., G. hirsutum L, дурагай, тизма, чатиштириш, чидамли селликсион, тола чиқими, тола узунлиги, 1000 дона чигит вазни.*

Ишнинг мақсади: Жанубий минтақа иқлимига мос, касаллик ва ҳашоротлардан кам зарарланадиган, қимматли хўжалик белгилари экилаётган навлардан юқори бўлган янги тизма ва навлар яратиш мақсадида G.barbadense L. va G. hirsutum L. турлар аро чатиштириб олинган жанубий минтақа иқлимига мос дурагай ва тизмалари ичидан ингичка толали ғўзанинг ҳавфли касаллари (гаммоз, қора илдиз чириш, антракноз ва бошқа касалликларига), ҳамда сўрувчи ҳашоротларга бардошли намуналарни танлаб олиш, якка ва оилавий танлов ўтказиш, қимматли хўжалик белгиларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш селекция жараёнига бошланғич манба сифатида тавсия этиш, тежамкор агротехникасини тубдан такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг услублари:Тажрибалар Термиз туманидаги Ингичка толали пахтачилик илмий тадқиқот институти (ИТПИТИ) марказий тажриба даласида ўтказилди. Селекция ишлари ва тадқиқотлар “ Методы селекция хлопчатника ” (1968), “Методы виведения и размножения нових сортов хлопчатника ”(1969), “Қишлоқ Хўжалиги экинларининг давлат нав синови ” (1977), “ дала тажрибаларини ўтказиш услублари ” Ўзпити (2007), Ўрта Осиё ирригация ИТИ, халқаро ФАО услублари “нав ва тизмаларда ҳосилдорлик маълумотлари” Даспехов Б.Н. (1985) услуби асосида тахлил етилди.

2022 йилда станцион кўчатзорда 11 та нав ва тизмаларнинг тупроқ-иқлим шароити ва қўланилган агротехник тадбирлар тасирида ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплаши қабул қилинган услубий қўлланмалар асосида ўрганилди. 10-13 апрелда униб чиқан ниҳолларнинг 50 % гуллаши андоза Бухоро-102 навидан (56.2 кун) 2.5-5.5 кун илгари 50.4-53.7 кунда гуллаши қайд этилди. Ғўза вегетатсия даврининг биринчи ярмида иқлимнинг кўп йилликка яқин, об-ҳаво ҳолатининг кескин ўзгариб туриши ҳароратнинг ўтган йилларда кам бўлганлиги ҳамда кўпроқ кунлар куннинг биринчи ярмида салқин, кеёинги ярмида иссиқ бўлиб самарали ҳароратлар ғўзанинг талабидан кам бўлганлиги сезилди. Тизмаларда 1-август ҳолатига келиб ғўза 63.6-76.5 см гача ўсиб (1-жадвал) 14.7-17.2 дона ҳосил шохлари шаклланди, 13.7-17.2 дона ҳосил элементлари, жумладан 10.4-13.2 дона кўсаклар сақланиб қолганлиги, 1-августгача жами 22.0-29.6 дона ҳосил

элементлари пайдо бўлиб унинг 36-46 % июн ойи иккинчи ярми-июл ойида содир бўлган ўта юқори “аномал” иссиқ ва гармсел ҳамда сўрувчи ҳашоротлар зарарлашидан, шунингдек сув озиқа етишмаслигидан қуриб тўкилганлиги қайд этилади. Июл ойида шоналар кам шаклланди, шаклланаётган шоналарнинг катта қисми деярли ҳаммаси тўкилиб кетганлиги хатто июн ойида пайдо бўлган хосил элементларининг ҳам 4-5 донаси қуруганлиги содир бўлди. 1-сентябр ҳолатига келиб 11.1-16.2 дона кўсаклар сақланиб, шундан 64-83 % очилишга улгурганлиги қайд этилди. Тизмаларда 10-13 апрелда униб чиққан ниҳолларнинг 91.2-94.6 кунда ёки андоза Бухоро-102 навидан (97.5) 2.9-6.3 кун олдин биринчи кўсакларнинг очилиши бошланганлиги аниқланди.

Ўрганилган янги тизмалардан 2021-2022 йилларда олинган ҳосил 2-жадвалда келтирилган. Ўртача ҳосилдорлик андоза Бухоро-102 навида 49.9 ц/га, тизмаларда эса 53.5-61.4 ц/га ни яни андозадан 3.6-11.5 ц/га юқори ҳосил олинганлиги қайд этилди. Энг юқори ҳосил 9/1970 тизмасида (61.4 ц/га) бунга яқин 6/1967 (58.9), 4/1965 (58.5), 1/1962 (57.2) тизмаларда (11.5-7.3) қайд этилди. Бошқа тизмаларда ҳам андоза навдан сезиларли юқори (3.6-6.0) ҳосил олинганлигини такидлаш лозим. Тизмаларнинг 2-4 ҳосил шохларидан олинган пахта намуналаридан тола сифат белгилари аниқланди. Тола узунлиги Бухоро-102 навида ўртача 33.5 мм бўлиб тизмаларда эса 33.4-35.8 мм ёки андозадан 251-тизмада 0.1 мм қисқа бошқа тизмаларда 0.6-2.3 мм га юқори эканлиги, айниқса 6/1967,5/1966, 4/1965 тизмаларда сезиларли юқори эканлигини айтиш лозим.

Тола чиқиши таҳлилидан кўринадики Бухоро-102 навидан тола чиқиши 37.4 % тизмаларда эса 35.9-41.5 % эканлиги, 8/1969, (41.5 %), 3/1964 (41.1%), 2/1963 (39.7 %) тизмаларда сезиларли (2.3-4.1%) юқори эканлиги, 1/1962, 5/1966, 6/1967 тизмаларда бироз (1.3-1.8%) юқори, 251 тизмада (35.9%), 7/1968 (36.1%), 4/1965 (36.2%) тизмаларда 1.2-1.5% га кам эканлиги қайд этилди. Яратилган янги тизмалар интинсив бўлиб сув ва озиқа элементларига талабчанлиги юиқори эканлигини айтиш зарур.

Териб олинган намуналардан чигит сифатини белгиловчи асосий белгилардан бири 1000 дона чигит вазнини аниқлаш натижалари таҳлил этилганда Бухоро-102 навида 129.2 г, тизмаларда эса 103-122 г ташкил этиши андозадан 7.2-26.2 г гача кам эканлиги аниқланди. Ўрганилган тизмаларнинг барчасининг ҳосилдорлиги андоза Бухоро-102 навидан сезиларли юқори (3.6-6.0 ц/га) бўлганлиги, тола узунлиги бўйича 251-тизма андозага дерли тенг, бошқа барчасида 0.6-2.3 мм га узун эканлиги тола чиқиши бўйича эса 3 та (4/1965, 7/1968, 251) бироз (1.2-1.5%) камлиги, бошқа тизмаларда сезиларли юқори (2.3-4.1%) эканлигидан синовдан ўтказилган янги тизмаларнинг синовини давом эттириш, якка ва оилавий танловлар ўтказиш, қимматли хўжалик белгиларини янада яхшилаш,дастлабки уруғларини кўпайтириш, кенг далага экиб синаб кўриш тавсия этилади.

1-жадвал

Стансион кўчатзорда ўрганилган ўрта толали ғўзанинг янги тизмаларининг ўсиши ,ривожланиши ва ҳосил тўплаши.

№	Код 2020 й.	Тизма	Дурагайлаш комбаринатсиялари	50 % гуллаш кун	50% очилиш кун	1-август							Июлда қўшилган ҳосил элем, дона	1-сентябр		
						Бўйи см	Ҳосил шохл. сони	Ҳосил элем. Дона	Жумл. кўсак дона	Тўкилган ҳосил элем.		Жами ҳосил элем. дона		Кўсаклар дона	Жумл. Очилган кўсакл.	
										дона	%				дона	%
1	7	1/1962	Нам-34хБух-6	52.4	92.0	71.4	16.4	14.3	10.4	11.4	44	25.7	2.9	12.6	9.9	78
2	18	2/1963	ЖарқхИст-14	50.4	91.2	76.5	17.2	17.2	13.2	11.2	39	28.4	3.5	16.2	13.2	81
3	11	3/1964	ЧаросхБух-6	51.5	92.8	68.2	15.8	16.0	12.5	13.6	46	29.6	2.9	14.2	11.1	78
4	79	4/1965	°С -9082хБух-102	51.6	92.1	66.7	15.2	16.0	12.7	12.5	44	28.5	5.1	14.6	11.0	75
5	269	5/1966	Л-588х Бух-6	51.2	93.3	64.4	14.9	13.7	10.7	8.3	38	22.0	1.8	11.8	9.1	77
6	5	6/1967	703хИст-14	52.4	91.4	72.0	15.6	14.9	10.8	8.3	36	23.2	2.0	12.2	10.1	83
7	98	7/1968	Бух-6хЛ-7276	52.0	94.4	74.8	15.2	14.6	10.6	9.0	38	23.6	0.2	11.1	9.0	81
8	100	8/1969	Бух-6хЧарос	53.7	94.0	73.7	16.3	14.5	10.8	11.1	43	25.6	-0.5	11.9	9.3	78
9	44/19	9/1970	Л-588х Бух-6	52.4	93.7	63.3	14.7	15.0	11.9	9.1	38	24.1	2.9	13.2	9.1	69
10		251	(Бух-102хС-9082)С-9082	52.7	94.6	71.7	15.7	15.8	11.9	12.0	43	27.8	-0.8	14.8	9.4	64
11	Назорат.		Бухора-102	56.2	97.5	76.3	15.3	14.8	11.4	13.3	47	28.1	0.6	13.2	9.0	68

2-жадвал

Стансион кўчатзорда ўрганилган ўрта толали ғўзанинг янги тизмалари толаси ва чигити сифат белгилари.

№	тизмалар	Ҳосилдорлиги, с/га			Андоза фарқи	Тола чикими %			Тола узунлиги мм			1000 дона ч.в. г		
		2021 й	2022 й	ўрт.		2021 й	2022 й	ўрт.	2021 й	2022 й	ўрт.	2021 й	2022 й	ўрт.
1	1/1962	57.5	56.9	57.2	7.3	37.5	40.0	38.7	34.1	34.1	34.1	117	119	118
2	2/1963	54.2	53.8	54.0	4.1	39.6	39.8	39.7	36.0	34.2	35.1	116	107	112
3	3/1964	56.7	53.9	55.3	5.4	40.2	42.0	41.1	34.0	34.7	34.4	106	114	110
4	4/1965	58.3	58.7	58.5	8.6	35.3	37.0	36.2	35.2	35.8	35.5	102	115	108
5	5/1966	55.8	52.6	54.2	4.3	39.1	39.3	39.2	35.6	35.5	35.6	102	104	103
6	6/1967	59.2	58.6	58.9	9.0	39.5	39.0	39.2	35.3	36.4	35.8	119	117	118
7	7/1968	56.7	55.1	55.9	6.0	36.4	35.8	36.1	35.2	34.6	34.9	122	118	120
8	8/1969	54.2	52.8	53.5	3.6	42.1	41.0	41.5	34.4	35.0	34.7	118	118	118
9	9/1970	65.8	57.0	61.4	11.5	36.3	38.0	37.2	35.2	35.6	35.4	132	119	125
10	251	56.3	55.2	55.7	5.8	36.5	35.2	35.9	33.2	33.5	33.4	108	116	112
11	назорат	50.5	49.3	49.9	-	37.7	37.1	37.4	33.6	33.5	33.5	128	130	129

REFERENCES

1. О.Т.Алимардонов, Б.Ч.Жўраев, Н.Н.Очилдиев, А.Б.Данабаев- “Сурхондарё вилоятида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиялари” Термиз-2022 й. 163-б.
2. А.М.Шапиро, Э.М.Оскалина, О.К.Усмонов, редактор М.Г.Хорст- “Использование климатических данных для эффективного планирования и управления орошением перевод русской версии” Тошкент 1997 й.
3. А.А. Янгибоев., А.Б. Данабаев. Ғўзанинг ҳашоратларга бардошлигини оширишда госсипиум барбадензе турига мансуб навларини аҳамияти. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (20016 йил, 15-16декабр) 1-Қисм Тошкент-2016 й. 258-260-б.
4. О.Ш. Бойназаров Т. Карабоев RESULTS OF STUDY OF SWEET PEPPER SAMPLES IN SURKHANDARYA REGION. Fars international journal of education social social science & humanities Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(11); 2022 Finlandiya.